АССАЛОМ, МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ!

52 (382)
2003 йил 31 декабрь
Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

2
- Мурувватлилардан бўлайлик!
- Педагог-тарбиячи — масъулиятли вазифа.

3
- Яхши ниятлар — уларни билдирувчиларнинг ўзларига ҳам доимо ҳамроҳ бўлажак!

4
- Ақли тўла билимига суянади.
- Бошга тушганини кўз кўрганда...

Янги йил байрамининг бош тадбири

«Президент Арчаси» - Меҳр ва мурувват дарчаси!

Янги йил байрами - болаликдаги энг севимли байрам. Ям-яшил ўрмон маликаси - арчани безатиб, атрофида қўл ушлашиб рақсга тушиб, Қорбобо, Қорқиз улашган совғаларни барчага кўз-кўзлаб олинган таассуротларни инсон неча ёшга улғаймасин энтикиб-орзиқиб хотирлайди. Шунинг учун ҳам Янги йил яқинлашгани сайин юртимиздаги барча томошагоҳларда, майдонларда арча безатилиб, болажонлар учун турли-туман томошалар уюштирилмоқда.

29-30 декабрь кунлари пойтахтнинг муҳташам «Туркистон» санъат саройида бўлиб ўтган «Президент арчаси» тантаналари инсонпарварлик, саховат намунаси сифатида бошқа томошою тантаналардан алоҳида ажралиб туради. Мана, бир неча йилдирки анъанавий тарзда ўтказилаётган бу тантаналар юртимиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган кўп болали оилалар фарзандлари - минглаб болажонлар қалбида бир умрлик ўчмас гўзал хотиралар қолдирмоқда.

Президент арчаси тантаналари айни кунларда таъмирдан чиқарилиб, янада кўркамлик касб этган ушбу кошонага ўзгача файз киритди.

Тадбирда Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев иштирок этди.

Икки кун давомида саройда пойтахтдаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандларининг қувноқ кулгулари, қуй-қўшиқлари янграб турди. Болалар учлари шифтга тегиб турган, жилоси кўз олувчи ўйинчоқлар билан безатилган басавлат Президент арчаси атрофида шодон рақсга тушдилар, топишмоқ айтишдилар, айниқса, Ватан, она диёр ҳақидаги шеър-қўшиқларни фахр билан ижро этдилар. «Президент арчаси» тантанаси учун махсус яратилган қўшиқ янграганда унга ёшию миллатидан ғатъий назар барча болалар жўр бўлдилар.

Президент арчаси — Истиқбол туморчаси. Юракларда қайнаган Мурувватнинг дарчаси...

«Томоша» болалар театр студияси қатнашчилари томонидан ижро этилган томоша доимгидек ўзига хос ва қизиқарли бўлди. Саҳна безаклари, ижрочиларнинг либослари, завқли куй-қўшиқлар томоша ижодкорларининг катта саъй-ҳаракатларидан далолат эди. Томошадан сўнг болаларга Президент номидан байрам совғалари улашилди.

- Ана шу совғалар янги йилимизнинг Меҳр ва мурувват йили деб аталишига ҳаётий тус беради десак, мулобаға бўлмайди. Зеро янги йилнинг қувончи Юртбошимизнинг меҳр ва муруввати билан бошланди. Меҳр ва мурувватнинг дарчаси очилди. Бир неча йилдан бери анаъанавий тарзда пойтахтимиз, барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида «Президент арчаси» тантаналари ўтказилмоқда, уни ташкиллаштиришга юртимиздаги деярли барча ташкилот ва корхоналар ҳомийлик қилишмоқда, шунингдек, жамғармамиз бўлим ва бўлинмалари ҳам фаол иштирок этишмоқда, - дейди Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раиси Аъзамжон Гадойбоев. - Бу тадбир шахсан Юртбошимиз ташаббуслари билан бошланган эди. У бизнинг шарқона феъл-атворимизга мос бўлиб, кам таъминланган, эҳтиёжманд, серфарзанд оилалар фарзандларига меҳр-мурувват кўрсатиш ва тақдир тақозоси билан ота-она меҳридан бебаҳра етим болажонларнинг ўксик кўнглига далда беришга қаратилгандир.

Чиройли қутиларга жойланган Президент совғасини бағрига босиб кетаётган, совға қутидаги Президент табригини бир-бирига ўқиб чуғурлашаётган болаларнинг шодон чеҳраларни кўргач, бу ният ушалганига ишонч ҳосил қилдик. Уларнинг қувончи чексиз эди. Чунки совға қутиси нафақат шоколаду ширин кулчага, балки битмас-туганмас инсоний қайноқ меҳрга ҳам лиқ тўлалигини «Президент арчаси» атрофида жам бўлган болаларнинг ҳар бири ҳис қилиб турарди.

Шу кунларда барча вилоятларда, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам «Президент арчаси» тантаналари бўлиб ўтмоқда.

Дарҳақиқат, 2004 - Меҳр ва мурувват йили бўсағасида айнан «Президент арчаси» тантаналари келаси йилда амалга оширилажак саховатли, хайрли тадбирларнинг дебочасига, Меҳр ва мурувват йилининг дарчасига айланди.

Мавлуда ҚОСИМОВА.

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ЮРТ БЎЙЛАБ КЕЗМОҚДА

***САМАРҚАНД.** Байрам тантаналари яқингинада иш бошлаган «Ёшлар саройи»да бўлиб ўтди. «Президент арчаси» атрофига шаҳардаги меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари таклиф этилди.*

- Бизга кўрсатилаётган меҳрибончилик ва эътибордан бошимиз кўкка етди, - дейди 11-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси М.Эгамбердиева. - Президентимиз бизга шундай улкан мурувват кўрсатаётган экан, биз ушбу ишончни оқлашга ҳаракат қиламиз.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими Р.Холмуродов иштирок этди.

***

***ЖИЗЗАХ.** Юнус Ражабий номидаги вилоят драма театрида Янги йил байрами тантаналари бўлиб ўтди.*

Меҳрибонлик уйи ва мактаб-интернатларда тарбияланаётган болаларга Президент совғалари топширилди.

***

***ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН.** Нукус шаҳри марказида қад ростлаган баланд арча атрофида куй-қўшиқлар узоқ янгради. Қорақалпоғистон ҳукумати аъзолари, кенг жамоатчилик вакиллари болакайларни янги йил билан табриклади. Кичкинтойларга Юртбошимизнинг байрам совғалари топширилди.*

Қорақалпоғистоннинг барча шаҳар ва туманларида «Президент арчаси» тантаналари бўлиб ўтди. Бир ярим мингга яқин болакай Президент совғаларини олди.

***

***ХОРАЗМ.** Урганч шаҳрининг Мустақиллик майдонида йигирма беш метрли улкан арча безатилди. «Олис Шимолдан келтирилган» «яшил маликалар» шаҳарнинг Огаҳий майдони ҳамда Жалолиддин Мангуберди ва «Авесто» меъморий мажмуаларига ҳам кўрк бағишлади.*

Байрам тантаналари Огаҳий номидаги вилоят театри саҳнасида бўлиб ўтди. «Президент арчаси»га кам таъминланган оилалар фарзандлари, Хива шаҳридаги меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари таклиф этилди.

Тадбирда Хоразм вилояти ҳокими И.Бобожонов иштирок этди.

***

***НАВОИЙ.** «Фарҳод» маданият саройида уюштирилган «Президент арчаси» атрофига меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ногирон болалар ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари таклиф этилди.*

Тадбир таниқли санъаткорлар ва халқ дасталари ижросидаги куй-қўшиқлар билан бошланди. Қорбобо, Қорқиз ва эртаклар қаҳрамонларининг чиқиши болажонларга бир олам қувонч улашди. Уларга байрам ажойиб соғалари топширилди.

Тадбирда Навоий вилояти ҳокими Б.Рўзиев иштирок этди.

***

***БУХОРО.** «Президент арчаси» тантаналари вилоят марказидаги Ибн Сино маданият саройида бўлиб ўтди. Байрамга таклиф этилганларга Президентнинг янги йил совғаларини вилоят ҳокими С.Ҳусенов топширди.*

Янги йил базми Бухоро ва Ғиждувон шаҳарларидаги меҳрибонлик уйларида ҳам бўлиб ўтди.

«Президент арчаси»ни ўтказиш вилоят комиссияси шифохоналарда даволанаётган кичкинтойларни ҳам эсдан чиқармади. Уларга ҳам Президентимиз номидан янги йил совғалари топширилди.

/ЎзА/

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви

барча юртдошларимизни Обод маҳалла йилида эришган улкан муваффақиятлари билан қутлайди ва йилимизнинг мантиқий давоми — Меҳр ва мурувват йилининг кириб келиши билан чин дилдан муборакбод этади.

Обуна-2004

Mahalla

-Яна нима дейди?
-2004 йил учун обуна бўлинглар, - дейди!

Янги олий ўқув маскани

Саноат учун кадрлар

Тошкент. /ЎзА мухбири Ж.Раупов/. Тошкент давлат техника университетида янги олий ўқув юрти - Нефт ва газ институти очилишининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз бир неча йил аввал энергетика мустақиллигига эришган эди. Бой табиий ресурсларга эга Ўзбекистон бугунги кунда бутун саноатни ёқилғи-энергетика хомашёси билан таъминламоқда. Бугун мамлакат саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг тўртдан бир қисми айнан энергетика соҳасига тўғри келмоқда, деб таъкидлади талбирда сўзга чиққан Тошкент давлат техника университети ректори Қ.Аллаев.

ҲОМИЙЛАР ҲИММАТИ

Отажон Худойшукуров номидаги халқаро жамғарма Элликқалъа туманидаги 22-ўрта мактаб ошхонасига 800 минг сўмлик жиҳоз олиб берди.

- Жамғарманинг янги йил совғасидан мамнун бўлдик, - дейди мактаб директори Комилжон Қозоқов. - Келтирилган жиҳозлар мактаб ошхонасида бир вақтнинг ўзида 150 ўқувчи овқатланиши учун имкон яратди.

ЯНГИ ҲАВО ЙЎЛИ

Янги йил арафасида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётлари халқаро қатнов кўламини янада кенгайтирди. Япония, Хитой, Малайзия, Таиланд каби Осиё давлатлари қаторига Вьетнам ҳам қўшилди.

Энди пойтахтимиздан кўтарилган ҳаво кемаси етти соатлик масофани ортда қолдириб, қитъамизнинг Жануби-Шарқий минтақасидаги Вьетнамнинг йирик саноат маркази - Ҳошимин шаҳрига бориб-қайтади.

(ЎзА)

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр кўрсаткичи: 148
Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй
Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Таҳририятга келган хат ва мақолалар таҳрир қилинмайди ва эгаларига қайтарилмайди.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Таҳририят

ЗИЛЗИЛАДАН ЖАБРЛАНГАНЛАРГА ЁРДАМ

Шу йилнинг 26 декабр куни Эрон Ислом Республикасининг Керман вилоятида Рихтер ўлчови бўйича 6,7 балл кучга эга даҳшатли зилзила юз берди. Эрон ахборот агентлиги - ИРНАнинг хабар беришича, зилзила маркази Бам шаҳри атрофида бўлган.

Шаҳарда барча биноларнинг 90 фоизи вайрон бўлган, энергия, сув таъминоти, телефон алоқаси узилиб қолган. Эртаси куни тонгдаёқ мутахассислар томонидан амалга оширилган дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, табиий офат 20 мингдан ортиқ кишининг умрига зомин бўлган ва 50 мингга яқин киши жароҳатланган. Бироқ, ИРНА томонидан тарқатилган Эрон фавқулодда вазиятлар штаби ҳузуридаги ахборот маркази баёнотида вафот этганларнинг расмий сони ҳали маълум қилинмагани, ҳозир асосий вазифа вайроналар остида қолганларни қутқариш, жабр кўрганларга ёрдам кўрсатиш ва жароҳатланганларни бошқа жойга кўчириш эканлиги таъкидланади.

Кермандаги фожеа бутун дунёдаги одамлар қалбида акс садо берди. Ўзбекистонликлар ҳам бефарқ тура олмади, зеро халқимизнинг энг яхши фазилатларидан бири ҳамдардлик, ёрдамга муҳтожларга кўмаклашишга интилиш бўлиб келган. Бу анъананинг мантиқий давоми - Ўзбекистонда 2004 йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинишидир. Шу боис Эрондаги зилзиладан сўнг, Президент Ислом Каримов топшириғига асосан, Керман вилоятидаги жабр кўраганлар учун мурувват ёрдами ҳозирланмоқда.

Бу ёрдам таркибига бундай кенг кўламли фожеалар оқибатидан кўпроқ даражада азият чекадиган болалар учун барча зарур нарсалар киритилган. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг махсус рейси билан Керманга иссиқ адёллар, болалар кийимлари ва пойабзаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари етказилади. Мурувват ёрдамини шакллантиришда кўпгина вазирликлар, идоралар, корхоналар, жамоат бирлашмалари ва жамғармалар иштирок этмоқда.

А.Иванова,
ЎзА мухбири

Ёруғ ниятлар...

ОЙДИН ОСТОНА

Йил янгиланаётганда кўнглимиз одатдагидан бошқачароқ кечинмалар билан яшай бошлайди. Гўё муаммо, машаққатларимиз ўтган йил билан ўтиб кетадигандай, янги йилда ҳаётимиз, тақдиримизда ўзимиз орзиқиб кутган бир мўъжиза юз беражакдай...

Балки, бу йил кутаётганимиз ўша мўъжиза ўзимизга таниш, қадрдон бир туйғу - Меҳр-муруввтнинг ўзидир? Балки, шунинг учун бу ном янги йилимиз номига кўчгандир? Балки, бу мутлақо тасодиф эмас, аниқ қонуниятдир?

Ахир, биз миллат бўлиб тарих майдонига чиққандан буён Меҳр-мурувват деган устунга суяниб яшаймиз-ку. Кимни пир билиб сиғинган бўлсак, унинг энг гўзал даъватлари меҳр-мурувват ҳақида-ку:

Ғарибларни кўрган ерда оғритмангиз,
Ғарибларга аччиғланиб сўз қотмангиз,
Заиф кўриб, ғарибларга тош отмангиз,
Бу дунёда ғарибликдек бало бўлмас...

Аҳмад Яссавий бобомизнинг олис замонлардан туриб қилган мурожаати ҳам шу фикр исботи. Ҳазрат Алишер Навоийнинг:

Олам аҳли билингизким иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлунг, бир-бирингизгаки эрур ёрлиғ иш

мисралари ҳам меҳр-мурувватга чорлов. Ҳазратнинг фақат мисралари, достонларидаги ҳикоятлари, гўзал ҳулқли қаҳрамонлари тақдиригина эмас, ўзларининг ҳаётлари, ҳар кун, ҳар соатлари меҳр-мурувватга қўйилган ҳайкал десак, мутлақо хато қилмаган бўламиз.

Алишер Навоий ҳақида ёзилган Хондамирнинг «Макорим-ул ахлоқ» китобига кириш сўзида адабиётшунос олим Иззат Султон ёзадилар:

«Макорим-ул-ахлоқ»да Навоийнинг маориф, маданият бинокорлик ва ободончилик, ишларига жуда катта пуллар сарф қилингани айтилади. Навоий бу ишлар билан қаноатланмасдан халққа солинган солиқни ўзи тўлаб қўйиш каби ишларни ҳам қилади. Масалан, у Ҳирот аҳолисига солинган солиқнинг ярмини Ҳирот меҳнаткашларига жабр бўлмасин учун тўлаб юборади...

Биз бу тарихларни ўқир эканмиз, шоирни даврга нурлантириб етказган, миллатимизнинг фахру ғурурига айлантирган фақат беқиёс ижодий меросигина эмас, беназир шахси ҳам эканлигига амин бўламиз.

Навоийнинг замондоши Давлатшоҳнинг ёзишича, Навоийнинг вақфларга ва биноларга сарф қиладиган маблағи беш юз туман кепакига баробардир. Бошқа амирлар ўзларининг хўжаликларида деҳқонларни чексиз эксплуатация қилиб, катта бойликлар ундириб, уларни ўзларининг маишатларига ва бузуқчиликларига исроф қилган маҳалда Навоий ўз қилар эди».

Иззат Султоннинг ҳақиқий тарихларга таяниб берган бу маълумотларида Меҳр-мурувват аталган янги йил учун жуда катта ибратлар ҳис этиб турибмиз.

Умуман, адабиётимизнинг қайси саҳифасини очмайлик ана шу ҳиссиёт соғинчи, истаги, тилагига дуч келаверамиз:

Умидим йўқ замонда яхшиликдан,
Ҳамиша яхшилик лекин умидим.

Бу - Адиб Собир умидининг ранги.

Давлатқа етиб меҳнат элин унутма
Бу беш кун учун ўзунгни асру тутма.

Бу - Бобур ҳазратлари истаги. Аҳмад Яссавийдан Адиб Собиргача, ундан Навоий, Бобурга ва миллатимиз кўп яхшиёмон кунларни бошдан кечирди.

Аммо меҳр-мурувват сўзи сўзликларимиздан, бу ҳиссиёт ўзи кўнгил кўзимиздан ўчиб кетмади. Ҳатто қаттиқ кунларда ҳам тошни ёриб чиққан майсадек машаққат билан бўлса-да кўкариб чиқди. Чор Россияси Туркистонга бостириб кираётганда Тошкент ҳимояси учун бўлган жангларда ўз бола-чақасининг ризқидан қийиб, ҳимоядаги аскарларга ош-нон олиб келган аёллар бўлган-ку. Ёки «халқ душмани» аталиб ҳибсга олинган Абдулла Қодирийлар оиласи фарзандларидан яширинча бўлса-да хабар олиб турувчи кишилар топилган-ку.

Узоқ тарих эмас. Иккинчи жаҳон уруши даврида фронт ортидан келтирилган қанчадан қанча оилалар, етим болалар миллатимиз саховати бағрида жон сақлашган.

...Нега мен дунё янги йил чироқларидан чароғон пайтда, 2004 дея рақамланган янги бир эҳтиёжларини ҳам чегаралаб, кўп хизматчи ва навкарлар сақламасдан, ўртача бир фуқародек яшаб, ўзининг бутун мулкини халқ саодати учун сарф дунёнинг ойдин остонасида туриб олис-яқин тарихларни эсладим? Бунга ҳожат борми?

Жисм толиққандай, фурсат юкидан туйғулар, ҳиссиётлар ҳам қарийди, мудранади. Унга вақти-вақти билан ўтли, тирик хотиралардан сув сепиб, жонлантириб туриш зарур.

...Айни пайт маҳалламизда бўлакча файз. Анъаналаримизга биноан, фарзандлар ўз фарзандлари билан ота-оналари уйига йиғилган. Байрамга аталган, байрамга тайёрланган ноз-неъматлар дастурхонни зийнатлаган. Ҳамма бир-бирини кўнгил мулкидаги энг гўзал сўзлар билан қутлар экан, мен ҳам бу табрикларга қўшилган ҳолда «Меҳр ва мурувват» деган жуфт сўзни, йилимизга сифат, нисбат бўлган сўзни уч-учларида рангдор чироқлар ёнаётган арчалардан ҳам баландроқ кўтаргим келади.

Кимдир бу сўзни дасти калта маҳалладошига холис ҳадя этадиган бир коса ош ёки иссиқ нон деб тушунар... Кимдир эгни юпқароқ қўшнисига меҳр билан ҳадя қилмоқчи бўлгани иссиқ нимча ё жун пайпоқ деб ўйлар. Мен улар саховатига ҳам бош экканим ҳолда олис-яқин қишлоқлардаги истеъдодли болаларимиз ўқишлари, ҳаётда ўзларига йўл топиб олишлари учун кўмаклашиш, қишлоқ кутубхоналарини энг зўр китоблар билан бойитиш, чекка-чеккадаги шифохоналарга замонавий тиббий жиҳозлар элтиш, маҳаллаларга спорт майдончалари қуриш каби зарурдан-зарур эҳтиёжларимизни унутмасак, дердим. Худога шукур, Истиқлол шарофати билан бизда ўзига тўқ, бадавлат кишилар кўпаймоқда.

Тўғри, меҳнат қилиб топгач, яшашни ҳам билиш керак. Улар қураётган иморат, минаётган машиналар ҳам ҳавасга лойиқ. Аммо ҳозир шундай даврки, миллат тикланиши керак, ер бағирлаб қолмаслиги шарт. Истеъдодларни юзага чиқариш зарур. Бутун миллатни меҳр-мурувват синч бўлиб бирлаштирмоғи шарт!

...Дилимдаги истакларни тўка-тўка яна эшик, дарчаларга қарайман. Атрофимда минг-миллионлар кўзида шу истак суврати. Чиндан шундай бўлсин! Ойдин остонадан ёруғ йилларга бирга кирайлик!

Қутлибека РАҲИМБОЕВА.
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Таъриф

МЕҲР ВА МУРУВВАТ - ИНСОНИЙЛИК БЕЛГИСИ

Аллоҳнинг назари тушган бизнинг азиз Ватанимиз ҳамиша меҳр-муҳаббатли, мурувватли, саховатли, раҳмдил ва инсонпарвар инсонлар маскани бўлиб келган.

Энг муқаддас китобимиз Қуръони каримда ҳам, буюк аждодларимизнинг ижод ва ўгитларида ҳам, ҳурматли Юртбошимиз Ислом Каримовнинг улкан ижтимоий ва сиёсий фаолиятларида ҳам инсон омили, унинг қадр-қиммати, унга бўлган ҳурмат, эътибор ва меҳр-муҳаббат бош мавзуни эгаллаган. Чунки бу фазилатлар халқимиз қонига азалий сингиб кетган бўлиб, доимий меҳр ва мурувват туйғуси билан яшаб, инсонлараро муносабатда меҳрли ва мурувватли бўлиб, барчани гўзаллик, камолот ва юксаклик сари чорлайди.

2004 йилни Президентимиз томонларидан Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши нафақат Обод маҳалла йилининг, балки ундан олдинги йилларнинг ҳам мантиқий ва узвий давомидир.

Меҳр ўзи нозик ва ўта латиф туйғу бўлса-да, лекин у кучли қудратга эга. Меҳр — бу гул. У кўзда бўлиб, унинг нурлари кўнгил уйини мусаффо этиб, ҳаёт рангларига жило беради. У шундай сирли калитки, ҳатто юрак қулфларини ҳам оча билади. Қалби меҳрга тўла бўлган инсонларнинг пиширган таомлари лаззатли бўлади, эккан кўчатлари гуллаб-яшнаб серҳосил бўлади ва уларнинг оилада меҳр билан вояга етказган фарзандлари комил инсон бўлиб етишиб, ўзларининг ширин ва гўзал фазилатлари билан эл-юрт меҳрига сазовор бўладилар. Донишмандлар таъкидлаганларидек. ҳатто энг нозик ниҳоллар ҳам тошдек қаттиқ ерни, қояларни ёриб ўсиб чиқади.

Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Ориповнинг "Самовий меҳмон, беш донишманд ва фаррош кампир қиссаси" номли фантастик шеъри барчамизга маълум. Шу асарда тасвирланишича, самодан тирик жоннинг ерга тушгани хусусида шов-шув тарқалади.

Билағон олимлар йиғилишади, ўз илмларини ишга солишиб, бу зот сирини англамоқчи бўладилар. Замонавий фан-техниканинг барча ютуқларидан фойдаланиб кўрадилар. Бироқ самовий меҳмон қилт этмасдан ётар, қилинаётган эътибордан у мутлақо бехабардек эди.

Олам сирларини тўла англаган олимлар эса бу зотнинг бепарволигидан ҳайрон. Ниҳоят билағонлар чарчаб ўз ишларини тугатган ҳисоблайдилар. Ниҳоят... Ниҳоят муаммо илм доирасидан ташқарида, ақл мантиқидан холи равишда ҳал бўлди. Фаррош кампир озгина меҳр қўшди бу ишга:

Азбаройи меҳр билан,
Бошгинасин силади.
Тиканакдек тикка ўсган,
Сочгинасин силади.

Сирли бу мавжудотга жон кириб, кўзига ёш ҳам келди. Оёққа туриб юради, нималарнидир шивирлаб гапириб, жилмая бошлайди.

Демак, ҳамма вақт ҳам фақат илм, фақат тадбиркорлик инсон ҳаётидаги муаммоларни ҳал қилиб беравермас экан.

Улар билан баробар катта ҳарфлар билан ёзилиши лозим бўлган инсоний Меҳр керак экан.

Меҳр ва мурувват — иноқлик ва аҳилликда фаровон ҳаёт кечиришнинг муҳим гаровидир. Меҳр — инсон юраги, қалби ва руҳиятига инъом этилган улуғ неъмат. У бор жойда ҳурмат бор, у бор жойда бахт, фаровонлик ва осойишталик қад кўтариб, ҳаёт янада гўзаллашиб бораверади. Меҳр бор жойда кулбалар кошонага, меҳрсизликда эса кошоналар вайронага айланади.

Қуёш доимо ҳимматли бўлганидек, олий ҳимматли инсонлар ҳам доимо эл олқишига сазовордирлар.

Буюк Алишер Навоий "Ҳар ғанийки, тириклигида эҳсондин кўнгилларни шод қилмагай, ўлганидин сўнг ани кимса дуо билан ёд қилмагай", —дейди.

Ватани, халқи ва миллатининг хурсандчилигига шерик бўлган биздаги ҳар бир инсон уларнинг қайғу ва аламларига ҳам бефарқ қарай олмайдилар. Лекин инсон қалбининг сув юқтирмайдиган силлиқ қоғозга ўхшаши ачинарли ҳолдир. Ҳатто яқин кишиларнинг ҳам кўз ёшлари унга сингимай, думалаб тушиб кетаверади.

Сахий дема саховатига
Бирор талаб қўйса
гар одам.
Сахийликмас
бу савдогарлик
Бунда йўқдир шараф
ва карам.

Абдураҳмон Жомийнинг ҳаёт тажрибалари заминида яратилган бу тўртликлари маънавий қаҳатчиликка гирифтор бўлган тоифаларга мансуб бўлиб, улар ҳеч вақт жамоатчилик меҳрини қозона олмайдилар ва бахтли инсонлар тоифасига ҳам кира олмайдилар.

Эркин ҒУЛОМОВ,
доцент.

Маҳалла ҳамкори

МҲСД - ФАОЛИЯТДА

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги 72 та маҳалла Маҳалла Ҳаракатини Сармоялаш Дастури (МҲСД-САІР) деб номланган умуммиқёсли маҳалла ривожланиш ташаббусида иштирок этмоқда.

Ўзбекистонда маҳаллаларнинг ижтимоий ҳаётдаги муҳим ўрнини ва ўзининг ривожланиш масалаларини ҳал этиш салоҳиятини ҳисобга олган тарзда МҲСД маҳаллаларга ички ресурсларни сафарбар қилишга ва маҳаллий миқёсда тараққий этиш ташаббусларини амалга оширишга имконият ва билимлар беради. Форум дастури бўйича маҳаллалар, маҳаллий ҳокимият, халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари бўйича МҲСД раҳбари Ивана Ширович форум ҳақида қуйидагича фикр билдирди: "Ушбу форум узоқ-яқиндаги маҳаллалар етакчиларига учрашиш ва умумий муаммоларни ҳал этиш йўллари ҳақида музокара қилишга жуда яхши имкониятдир. Форум ўз маҳаллаларини ривожлантириш масалалари борасидаги фуқаролар ташаббуслари ғоясини янги кўринишда тақдим этишга ҳам омил бўлади.

Маҳалла Ҳаракатини Сармоялаш Дастури Америка Қўшма Штатлари Халқаро Ривожланиш Агентлиги (АҚШХРА - USAID) томонидан маблағлаштирилган уч йиллик дастурдир. Дастур Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида жойлашган 72 та маҳаллада демократик ривожланиш тизимларини яратишга қаратилган ва иккита халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари - CNF Интернешинл (CNF International) ва Каунтерпарт Интернешинл (Counterpart International) ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. МҲСД маҳаллалар фуқароларига маҳаллий инфратузилмани яхшилашда ва янги иш ўринларини яратишда ёрдам бериш орқали маҳаллий миқёсда демократик тамойилларни таъминлаш учун фаолият кўрсатади. МҲСДнинг 18 ой ичидаги фаолияти натижасида 155 минг аҳоли ўз маҳаллалари ривожланишида қатнашдилар ва бу дастурдан наф кўрдилар. Дастурда маҳаллаларнинг қатнашиш тартиби қуйидагича: кўнгиллилар Маҳалла Ривожланиш Кенгашларига аъзо бўлиб, маҳалла ташаббуслари ва лойиҳаларни бошқаришга доир билим ва кўникмаларни берувчи тренингларда қатнашадилар, ушбу кўникмалар ва меҳнатларини маҳалла инфратузилмасини яратишга қаратилган лойиҳаларга ва маҳалла фуқаролари учун керакли бўлган ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, мактабларни таъмирлаш ва ҳоказо вазифаларни амалга оширишда қўллаб, маҳаллий ҳокимият билан ҳамкорлик қиладилар.

Ўз мухбиримиз.

Навоий вилояти

Кармана туманидаги Кўҳнақўрғон маҳалласида 650 та хонадон бор. Маҳаллада 11 та кўча мавжуд бўлиб, улар ўртасида ҳар йили "Энг обод кўча" кўрик танлови ўтказилади. Бу йилги танловда Ёшлик кўчаси ғолиб бўлди. Маҳаллада 40 та ногирон бўлиб уларга маҳалладан, Қизил ярим ой жамияти ва бошқа ҳомий ташкилотлардан доимий равишда моддий ёрдам кўрсатиб турилибди. Шу билан бирга улар ўртасида ҳар хил кечалар, маърифий тадбирлар ўтказиш одат тусига кирган.

МАЪРИФАТ УЛАШАЁТГАН МАҒФИРАТ

Маҳалла хотин-қизлари ўртасида вилоят "Оила" маркази, туман хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда "Аёл соғлиги - юрт бойлиги", "Қайнона-келин", "Оила тилсими" каби кўрик-танлов ва тадбирлар ўтказилди. Маҳаллада ташкил этилган кутубхона эса маҳалла аҳлининг китобхонлиги ва маданий савиясининг ўсишига катта ёрдам бермоқда. Маҳаллада ташкил этилган истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш гуруҳи аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мағфират Ярашева сайланганига атиги бир йил бўлган бўлсада, аёл боши билан анчагина хайрли ишларни бажариб келмоқда эди. Айниқса, бу ерда аҳолининг маърифий-маънавий даражасини ошириш борасидаги ишлар ибрат олса арзигуликдир. Унинг яқинда якунланган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб қилишдаги энг фаол маҳалла оқсоқоли" республика кўрик-танловида вилоят ғолиби бўлгани ҳам бунга далилдир. Раиснинг ҳисоботи маҳалла аҳлини қаноатлантирди. Шунингдек, ҳисоботда ютуқлар билан бирга долзарб муаммолар ҳам айтиб ўтилди.

Сайловга номзоди қўйилган 3 номзоддан Кўҳнақўрғон маҳалла фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлаган Мағфират Ярашева сайловчиларнинг якдил овоз бериши туфайли раисликка қайта сайланди.

Ҳабибулла ҲОШИМОВ,
"Mahalla" мухбири.

НУРОНИЙЛАРНИНГ МАРОҚЛИ САЁҲАТИ

Шарқ меъморчилик санъатининг дурдонаси бўлган Бухоро қадимда ҳам, бугун ҳам кишиларни оҳанрабо сингари ўзига тортиб туради. Айниқса, кейинги ўн-ўн икки йил ичида шаҳар ҳам, унинг атрофидаги кўҳна масканлар ҳам янада ўзгача чирой ва кўркка эга бўлди.

Янги йил арафасида Миришкор туманининг эллик нафар фахрий отахонлари ҳам ҳамиша навқирон ва кўҳна Бухорога зиёрат учун ташриф буюрдилар. Улар Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан қайта таъмирланган ҳамда янгидан бунёд этилган Баҳовуддин Нақшбанд ва Абдуҳолиқ Ғиждувоний меъморий мажмуаларини мароқ билан томоша қилдилар. Дунёдан берган буюк алломаларнинг қабрларини зиёрат этиб, уларнинг руҳларидан қувват олиб, кўнгиллари тоғдек кўтарилганидан бениҳоя шод бўлдилар.

— Нуронийларнинг ушбу зиёрат ва саёҳатини уюштиришга туман ҳокимлиги яқиндан амалий ёрдам берганидан мўйсафидларимиз чексиз миннатдордирлар, - дейди «Нуроний» жамғармаси Миришкор тумани бўлимининг раиси Т.Умаров. - Биз Бухорода Юртбошимизнинг буюк аждодларимизнинг руҳларини шод этиш учун, шу орқали ҳозирги ва келажак авлодларда маънавий ва миллий фахрланиш туйғусини кучайтириш учун қилаётган саъй-ҳаракатига яна бир бор тасаннолар айтдик.

Ф.ЭШҚУЛОВ.

Тарбиячидан талаб ...

ЎЗИМИЗНИ ЎЗИМИЗ БОШҚАРАЙЛИК

— Биз фуқаролик жамияти қуришга интилмоқдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халққа топшириш, яъни ўзини ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир, — деган эди Президентимиз Ислом Каримов.

Ҳукуматимиз томонидан ўзини-ўзи бошқариш органларига эътибор кучаяётганлиги ҳаммамизга маълум: штатлар сони 4 тага етди, ваколатлар кенгайди, моддий база ҳийла мустаҳкамланди, маҳалла фуқаролар йиғини ҳақиқий ўзини ўзи бошқариш органига айланмоқда, аҳолининг турмуш эҳтиёжларига оид масалалар, оилавий муаммолар шу жойда ҳал бўлмоқда, уларнинг ёрдамида коммунал хизмат тўловлари, маҳаллий солиқлар ундирилмоқда... Шулар билан бирга эндиликда айрим муаммолар ҳам кўриниб қолаётир. Улар эса ўз ечимини топиши лозим.

Маҳалла фуқаролар йиғини зиммасига юклатилаётган вазифалар ва уларга қўйилаётган талаблар баъзан маҳалла фаолияти имкон даражасидан ошиб кетаётганга ўхшайди. Масалан, Низомда "кўмаклашади" деб белгиланган турли тўловларга оид эслатма "ундиради" деб тушунилмаяптимикан?

Аҳолидан газдан фойдаланганлиги ҳақини ундириш ишида ҳам қатор муаммолар бор. Тўғри, йиғин тузилган шартномага асосан газчиларга кўмаклашади. Ваҳоланки, тузилган қатор шартномаларга асосан аҳолидан газ ҳақини алоқа бўлими, банклар, иш жойлари ҳам тўплайдилар, бунинг устига ҳар бир маҳаллага, кўчаларга бириктириб қўйилган газ корхонаси ходимлари асосий газ ҳақи йиғувчилардир. Бошқача айтганда — тўловчи битта, ундирувчи бешта.

Йиғин идорасида иш юритиш ҳужжатлари керагидан ортиқ. Масалан, бизда асосий йўналишлар бўйича 13 та комиссиянинг йиғма жилдларидан ташқари яна хотин-қизлар қўмитасининг ўнта, "Нуроний" жамғармасининг бешта "дело"лари юритилади. 13 комиссиянинг ҳар бирига 5-7 нафардан аъзо сайланишини ҳисобга олсак, жами 100 дан ортиқ киши фуқаролар йиғини масъул кишилари ҳисобланади. Қани эди ўша шахсларнинг ҳаммаси фуқаролар йиғинида гарчи жамоатчи тарзида бўлса-да фаолият кўрсатишса...

Педагог-тарбиячи вазифасининг жорий этилиши айни муддао бўлди. Лекин, "Олий маълумотли", "беш йиллик стажга эга бўлган", "бошқа жойда ишламайдиган" "педагог"ни "танлов" билан эмас, айрим маҳаллаларда илтимос билан ҳам топиб бўлмайди. Бундай мутахассиснинг маориф тизимидаги маоши билан биздаги иш ҳақи ва иш қўламлари таққосланса...

Қонунларда кўрсатилган ўзини-ўзи бошқариш органларининг молиявий ва мулкий ҳуқуқлари аниқ ва тўла кафолатланмаётир, банкдаги ҳисоб рақамида маблағ етарли эмас, ҳатто иш юритиш учун қоғозга муҳтожлик сезилади. Телефон, газ, электр, таъмирлаш учун зарурий маблағларни айтмай қўя қолайлик...

Ана шу муаммоларни бартараф қилиш йўлида баъзи бир таклифларимиз ҳам бор.

Аввало, маҳалла фуқаролар йиғини ўзини-ўзи бошқариш органи бўлгач, ўз номига яраша ўзини ўзи бошқарсин. Бошқа ташкилотлар ўзининг тўғридан тўғри, бевосита вазифаларини йиғинга юклашга уринмасинлар, "кўмаклашади" ибораси ни ўз маъносида англасинлар.

Мамлакатимиз бўйича барча маҳалла йиғинларида иш юритиш ҳужжатлари, комиссиялар сони қатъий меъёрлаштирилмоғи зарур, деб биламиз.

Педагог-тарбиячи вазифасига олий ёки педагог мутахассислиги бўлмаса ҳам, обрў эътиборли, иш билгувчи киши тайинланса.

Фуқаролар йиғининг молиявий, мулкий аҳволига жиддий эътибор зарур. Унинг ҳисоб рақамига тушадиган маблағнинг ўртача ҳажми ва манбаи аниқ белгиланса яхши бўларди.

К.ИЛЁСОВ,
Андижон вилояти Қўрғонтепа шаҳри Усмон Юсупов номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

ҚУТЛОВ!

Бойсун тумани ҳокимлиги ва туман Оқсоқоллар кенгаши «Mahalla» газетаси муштарийларини Обод маҳалла йилида эришган муваффақиятлари ҳамда Меҳр ва мурувват йили кириб келиши муносабати билан муборакбод этади

Термиз тумани 1-сонли шифохона шифокорлари кириб келаётган Меҳр ва мурувват йилида халқимиз саломатлиги учун жон фидо бўлиб, юртдошларимизга соғлиқ-саломатлик тилайди.

«ОЛОТТЕКС» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Азиз Ватандошларимиз, юртимиз маҳаллари ҳамда ҳамюртларимизни Янги йил билан самимий қутлаймиз. Янги - 2004 йил эзгуликларга, севинчу саодатларга бой бўлсин, хонадонингизга тўкин-сочинлик ва фаровонлик олиб келсин.



Барчангизга юртимиз келажаги ва иқтисодий юксалиши учун қилаётган хайрли ишларингизда қатъидан-қатъи муваффақиятлар тилаймиз. Байрам муборак азизлар!

МАҲАЛЛАМ МЎЪЖАЗ ВАТАНДИР

Маҳаллам мўъжаз Ватандир, бу яшнаган Ватан ичра,
Гулу-гулзорга буркангай, гуркираган чаман ичра.

Хушманзара кўчалари, орастадир чечалари,
Нур йўғрилган кечалари, сочар ёғду туман ичра.

Девор-дармиён қўшнилар, бир-бирига меҳри инар
Туғишгандайин талпинар, бўлиб бир жону-тан ичра.

Тўй-сурлари бирга ўтар, саъдоси оламни тутар,
Пешвоз чиқиб, меҳмон кутар тили ширин даҳан ичра.

Турди шу эл фуқароси, тотувлик юрт муддаоси
Шеър дардли дилнинг давоси ўқилса анжуман ичра.

Турди ҲАЙДАРОВ.

2004 Янги йил билан!

«Маhалla» нинг энг кўп муштарийлари бўлган

Самарқанд вилояти Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси бўлими

барча юртдошларимизни кириб келаётган «Меҳр ва мурувват» йили билан ғин юракдан қутлайди, «»Mahalla» йил давомида ҳамроҳингиз бўлсин дейди

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»
ЎЗБЕКИСТОН АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ

акциядорлар, мижозлар, юртдошлар ва Ўзбекистон меҳмонларини Янги — 2004 йил билан самимий табриклайди!
Сизларга, яқинларингизга мустаҳкам соғлиқ, ишларингизда муваффақиятлар тилайди.
Оилангизга тинчлик, саодат, хотиржамлик ва фаровонлик ёр бўлсин, Янги йил Сизларга қувонч, омад олиб келсин ҳамда орзуларингиз ушалсин!

«Ўзсаноатқурилишбанк» юртимиз аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида хорижий валютадаги нақд пул жўнатмаларини жаҳоннинг 70 дан ортиқ мамлакатларига халқаро «CONTACT» тизими орқали амалга ошириш бўйича замонавий хизмат турини таклиф этади.

«CONTACT» тизими бўйича нақд хорижий валютадаги пул жўнатмаларини қабул қилиш ва бизнинг ҳудудга келиб тушган пул кўчирмаларини эгаларига тўлаб бериш «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг филиалларида жойлашган жамғарма кассалари орқали амалга оширилади.

«CONTACT» тизимида пул жўнатмаларини ишончли, қулай, тез ва арзон нархда, яъни жўнатилаётган маблағнинг 3 фоиз миқдорида хизмат ҳақи тўланади.

Қўшимча маълумотларни қўйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 120-45-17, 133-34-45.

Олам турфа

ЯНГИ ЙИЛНИ КИМ, ҚАНДАЙ ҚАРШИ ОЛАДИ?

Дунёнинг ҳар бир давлати, ҳар бир элати янги йилни ўзгача шодиёна, ўзгача мароқ билан кутиб олади. Ҳатто кириб келаётган йилни бахтиёр қарши олишда ҳар бир халқ ўз анъана-ю урфларига мурожаат қилишади.

Жумладан, африкаликлар янги йил оқшомида соат 12 марта бонг уриши билан оғизларига тухум солиб, ким ўзарга баҳс бойлайдилар ва ғолибларга совғалар инъом этилади.

Ирландияда эса бошқача анъана мавжуд. Яъни бу мамлакат фуқаролари байрам кечаси уй эшикларини ланг очиб қўядилар. Зеро, истаган киши хонадон эгасининг азиз меҳмони бўлиши мумкин. Бу билан бахт ва шодлик уйларини тарк этмасликларини истайдилар.

Юнонистонда янги йил оқшомига таклиф этилганлар ўзлари билан олиб келган тошларни мезбон хонадони остонасига улоқтирадилар ва сўнгра байрам дастурхони неъматларидан баҳам кўрадилар. Шундай қилинса, остонадан бахт ҳатлаб кирар эмиш.

Булқорияда ғалати одат мавжуд. Янги йил кириши биланоқ чироқлар ўчирилиб, йиғилганлар истаган кишидан бўса олишади. Бироқ бундан ҳеч ким ранжимайди, аксинча бундай анъана уларга бахт келтиришга ишонадилар.

Германияликлар байрам дастурхони тузатилиб токи янги йил киргунича столстуллар, дивану курсилар устига чиқиб ўтирадилар ва соат бонг ургач, сакраб ясатилган стол атрофига йиғиладилар ва қадаҳлар жаранги остида мумтоз халқ ашулаларини баралла ҳиргойи қиладилар.

Мугилистонда уй соҳиб ва соҳибалари янги йил дастурхонига фақат мол гўштидан тайёрланган таомларни тортадилар. Агар янги йил шундай кутиб олинсагина чорва ва йилқичиликка барака кириб, хонадондан бахт аримас эмиш.

Бразилияликларда ясатилган дастурхон атрофига бир хил шакллар қўйилиб, янги йил кириши билан улар ёқилади. Бу шакллар қанча узоқ ёнса, хонадон эгаларининг умри ҳам шунча узоқ бўлар экан.

Бирмаликларнинг одати эса ҳеч қайси миллат вакилларида учрамайди. Улар янги йил кирганда байрам дастурхони устига тўлдириб қўйилган идишлардаги сувларни бир-бирларига сепишади.

Камбоджаликлар эса янги йил шодиёнаси арафасида 50 та тухумга шакар сепяб улардан лаззатли пиширқлар тайёрлашади. Байрам оқшомида улар бир-бирларини ана шу пиширқлар билан сийлашади.

Въетнамликлар янги йилни ўз оиласи даврасида тоғтача бедорликда қарши оладилар. Агар кимки бу куни ухлаб қолгудай бўлса, унинг сочу соқоли оқариб, бахт ундан юз ўгирар экан.

Италияда эса қизиқ анъана бор. Улар янги йил байрамида қўнгилларига ёқмаган эски либосларини ойнадан ташқарига улоқтириб, ўрнига янги харид қилган кийимларини кийишади. Бу ҳам янги йилдаги эзгу истакларнинг бир кўриниши бўлса керак.

Ана шунақа таплар...

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ.

Газетхон илҳоми

ТОПИЛСА ҲАМДАМ

Исёнкор руҳимга тополмай ҳамдам,
Заиф вужудимда қайнар ғазабим.
Танимни толдириб таранг асабим,
Юрагимда шердай ўкирар алам.

Орзу ўлкасида чечаклар ғорат,
Муҳаббат қўлида йиғлайди оққуш.
Ҳижрон саҳросида кезаман бехуш,
Жунун ғавғосига қиламан тоқат.

Кўнглим денгизида қайғу тўфони,
Томиримда қонлар қилар ғалаён.
Юзимда сарғайиб гўёки хазон,
Азадор кезади бахтнинг армони.

Эътиқод бургути чўқийди кўзим,
Илинжим боғида сўлади гуллар,
Ҳисларимни алдаб чорлади йўллар,
Алданган ҳисларга тилайман тўзим.

Ҳаловат тополмай тўзим шодаси,
Сабримнинг бўйнидан кетди узилиб.
"Тавба" ёши оқар кўзимда сизиб,
Дилим равшан этди Илоҳ бодаси...

Нотавон, исёнкор юрак қон жуда,
Тангрининг олдида исён беҳуда...

Гулсара ХУРРАМОВА,
Биринчи гуруҳ ногирони.

МЕҲРИМ СИЗГА, ОНАЖОН

Бизни ўзингиздан кўпроқ севасиз,
Куюнчагим, жону жаҳоним онам.
Шаънингизга ҳар не таъриф-тавсиф оз,
Оламнинг бор сеҳри сизда мужассам.
Қулоғимда қолган алларингиз,
Ҳар бир ўгитингиз мен-чун ҳикмат.
Йўлларимни очар дуоларингиз,
Дилдаги меҳрингиз борлиққа қувват!
Сиз келар йўлларда гул-чечак унар,
Ҳар юракка ифор ташлаб ўтасиз.
Дийдорингиз кўриб турайин фақат,
Онажон, бахтимга омон бўлинг Сиз!

Дилдора ТОЛИПОВА,
талаба.

Хотира уйғонса гўзалдир!

Тоғлар бордир, тошлар бордир,
Ёзлар бордир, қишлар бордир,
Ёмон-ёвуз ишлар бордир,
Бошга келган кўросидир.
МАХТУМҚУЛИ.

ОЗОД ҚАЛБ

ЁЗУВЧИ ШУҲРАТНИНГ ҲИБСДАГИ ҲАЁТИДАН

XX асрнинг ўнинчи йилларида Тошкент кўчаларида илк пивохоналар пайдо бўла бошлаганди. 50-йилларга келиб, кўчаларда пивохоналар кўпайиб кетди...Шуҳрат ўттиз ёшлардаги йигит эди. Шундай кўркам, келбатли, шижоатли адибнинг биринчи марта миршабхонага олиб келишга пивони «сабаб» қилишган...

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

2. Кўча "овчи"лари

— Мен «Шарқ юлдузи» журналида публицистика бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлар эдим, — деб нақл қилади Шуҳрат ака. — Ўша пайтлар нам ўтмайдиган матодан тикилган енгил пальто — «макинтош» урф эди. Макинтошни аяб, ҳаво қуруқ кунларда кийиб чиқардик.

Кеч куз фасли. Бир куни ишда эдим, пешинда ёмғир ёғди. Кўчалар лойланди. Ишдан қайтар пайтимда ҳам ҳаво айниб турди. Шаҳарнинг айрим жойларига ёмғир ёғаётган эди. Мен журнал идораси жойлашган манзилдан бир амаллаб Хадра майдонига бориб олдим. Ўша маҳал Тошкентнинг Ҳамза кўчасида — Ҳастимом (Ҳазрати Имом) масжиди томонда турардик. Чанқоқ босди қилиб, Хадрадаги дўкондан бир финжом пиво ичиб олдим. Сўнг бекатга келиб, такси кутдим. Бир такси келиб тўхтаган эди, бир рус киши эпчиллик қилиб, мендан олдин таксига ўтирмоқчи бўлди. Мен қўймадим, у ҳам кўнмади. Ҳайдовчига:

— Навбат менки! — дедим. Бегона киши эса менга қараб, бадтар қайсарлик қиларди. Бирдан:

— Йўқса, милицияга юр! — деб қолди. Мен ҳақли бўлганим учун «Борсак-бордик!», дедим-да, ўша таксида у билан Ўрдагача бордим.

Йигит сўзга жуда чечан экан. Шаҳар милицияси бўлимига кира солиб, мени безориликда айблай кетди. Ўринсиз жанжал қилди, деб тушунтирди. Мен қарши жавоблар қила бошлаган эдим, телефон жиринглаб қолди. Телефоннинг нариги бошида бўлимнинг каттароғи экани маълум бўлиб турар эди. Навбатчи миршаб унга: маст безорини тутдик, деб айтди-қўйди. Оғзимдан анқиб турган пиво ҳиди унга дастак бўлди.

Навбатчи менинг гапларимга ишонмади, шеригим эса нуқул янги далиллар билан мени айблар эди. Кейин у чиқиб кетди, мени олиб қолишди. Сал вақтдан кейин бир миршаб келиб, исм-фамилиямни сўради. Айтдим.

— Нега хулиганлик қилдинг? - деди.

— Безорилик қилганим йўқ!

— Бўлмаса, нега милицияга тушдинг? Юр, мен билан!

Унга эргашиб, ҳовлига чиқдим. Битта машина турган экан, миндик. Менинг ёнимга фуқаро кийимидаги бир киши ўтириб олди. Шу пайт бояги рақибим пайдо бўлиб, ёнимда ўтирган шахс билан хайрлашиб қолди. Тушунарли...

Мени келтириб, Алексеев кўчасидаги 8-уйга — қамоқхонанинг ажратмахонасига тиқиб қўйишди. Бир оздан сўнг олиб чиқишиб, ҳаммаёғимни тинтиб текширишди. Яна киритиб қўйишди. Мендан бошқа кишилар ҳам бор, лекин ҳеч ким мен билан гаплашмайди: ҳамма ўз ишида. Ўрнимдан турдим. Ёнимдаги бир киши ўрнимдан турдим. Ёнимдаги бир киши ўрнимдан турдим. Ёнимдаги бир киши